Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
31 ОКТЯБРЬ 1969 й.
ЖУМА
№256 (1019).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Зафарларимиз сенга, Октябрь!

РЕМОНТЧИЛАР ЮТУҒИ

— «Улуғ айёмни муносиб туҳфалар билан кутиб оламиз» — экскаватор ремонти заводи ишчи-хизматчилари ана шундай шиор остида ишлаб, меҳнатда яхши натижаларни қўлга киритаётирлар. Бугун улар маҳсулот реализация қилиш ойлик топшириғи шараф билан адо этилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Топшириқ 102,3 процент адо этилди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитаётган 2-трамвай депосининг ҳайдовчи ва кондукторларидан бир неча кишини депо директори Аъзам Исмоилов меҳнат зафари билан қутлади.

Йиллик давлат планини адо этган А. Улуғ.

ДЕПО МАШЪАЛЛАРИ

ҳўжаев, А. Шодиев, М. Муталова, А. Андрюшенко, А. Ктабутдинова, К. Рожковалар каби трамвай ҳайдовчилар келаси йил ҳисобига йўловчи ташимоқдалар.

Депонинг ишчан кондукторлари ҳам ҳайдовчилардан қолишмаяпти. С. Абдуллаева, Э. Тўхтаев, Т. Абдуллаев, Н. Қодиров, В. Ивановалар йиллик давлат планларини бажариб катта зафар қучдилар. Бу илғор кондукторлар ҳам келаси йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ


Октябрь ойида ҳам бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи самарали меҳнат қилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаган чеварлар 10 ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этдилар.

Шу давр ичида 5 миллион 863 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилди ва реализация қилинди.

«Планга қўшимча яна 338 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаймиз!» — фабрика ишчиларининг шиори ана шундай. Улар шу кунларда улуғ айём шарафига мусобақани қизитиб, зиммаларига олган қўшимча мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.



«Ташкентгеология» трестининг коллективи ер ости бойликларини қидириб топишда катта ишларни амалга оширмоқда.
СУРАТДА: трест геологларидан (чапдан ўнгга) Ҳалил Сарбоев, Роза Аҳмедова, Леонид Буняклар тоғ қоясида.



Биринчи авторемонт заводи юк машиналарининг моторларини капитал ремонтдан чиқарадиган Тошкентдаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Сиз суратда кўриб турган ёш йигит Адҳам Исломов ана шу корхонада зарбдорларча меҳнат қилмоқда. У ишдан ажралмаган ҳолда ишчи-ёшлар мактабининг 11-синфида ўқимоқда.

СУРАТДА: А. Исломов.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

МОСКВАДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ


Келгуси йилнинг бошларида Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмасида доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб, Иттифоқда ишлаб чиқарилаётган бадиий буюмларнинг улкан кўргазмаси очилади.

Бугун

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ БАДИИЙ БУЮМЛАР БОШҚАРМАСИ АНА ШУ КЎРГАЗМАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАБОШЛАДИ. БОШҚАРМА БОШЛИҒИ Ҳ. ОТАЖОНОВА МУХБИРИМИЗГА БУНДАЙ ДЕДИ:

—Биз Москвада намойиш қилиш учун Тошкент мусика асбоблари фабрикасида тайёрланган ўзбек халқ асбобларининг намуналарини танлаб олдик. Бу экспонатлар шу ҳафтада Москвага юборилади.

Булардан ташқари ўзбек сўзаналари, чойшаб, дўппилар, совға буюмлари, миллий кийим-кечаклар ҳам жўнатилади.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Тошкент Марказий Универсал магазинининг оқшом кўриниши.
М. Нуриддинов фотоси.

Бизнинг интервью

● *Қишни қандай кутиб оляпсиз?*

СЎНГГИ ТАЙЁРГАРЛИКЛАР

Шаҳар хўжалиги қишни қандай кутиб олаётир! Ана шу мавзуда бошланган суҳбатимизни давом эттирамиз. Бугунги суҳбатга Ленин район уй-жой бошқармасининг бош инженери Валентина Ивановна Свежинцева, катта инженер Инна Константиновна Болусованн таклиф қилганмиз. Улар мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Бошқармамиз коллективи қиш мавсумига эрта баҳордан бошлаб тайёргарлик кўрди. Биз тайёргарликни бошлашдан олдин ўтган қишда йўл қўйилган камчиликларимизни ўрганиб чиқдик. Уй-жой бошқармасидаги уйларнинг ремонти, иситиш системаларини тартибга келтириш ва уларни қишга ҳозирлашда ана шу камчиликларни бартараф қилиш асосий ўринни эгалладн.

Пролетар, Полторацкий, Кафанов, Чехов, Шевченко, Олтинкўл кўчалари, Болгар дарасидаги қозонхоналар қишдан катта зарар кўрган эди. Бу қозонхоналар қайта ремонт қилиниб, тартибга келтирилди. Қозонлардаги газ узатиладиган трубалар алмаштирилди. Уйлардаги иситиш системаларининг ремонти бўйича ҳам катта ишлар олиб борилди. Кўпгина уйлардаги иситиш системаларн қайта ремонтдан чиқди.

Райондаги 32 та кўпқаватли уй хонадонлари ана шу қозонхоналар орқали иситилади. Йигирма олтита уй эса Тошкент иссиқлик энергияси марказидан иссиқлик олади.

Қозонхоналар асосан газда ишлайди. Утган йили бу қозонхоналар газ босими камлиги сабабли иситмай қўйган эди. Ремонт даврида ана шуларга алоҳида эътибор берилди.

Уй-жой бошқармасига қарашли хонадонларда 3424 та печка бор. Бу печкаларни қишга тайёрлаш ишлари май ойидан бошланди. Шу кунга қадар 3000 дан ортиқ печка қишга тайёр бўлди. Қолганлари ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Бу йил районимиздаги «Украина» микрорайонида яна бир турар-жойдан фойдаланишдаги ташкил топди. Мазкур идорага тўққизта тўққиз қаватли ва йигирма олтита тўрт қаватли уй қарайди. Бу тўрт қаватли уйларнинг қишга тайёргарлиги ҳам кўриб чиқилди. Қурувчиларнинг айби билан бир нечта кўп қаватли уйларнинг томлари яхши ёпилмай қолган экан.

Уйлар ремонти учун керак бўлган тунука ва шифер келтирилди. Ремонтчилар бугун эрта иш бошлаб юборадилар.

Уй-жой бошқармамизнинг бутун диққат-эътибори қиш мавсумини муносиб кутиб олишга қаратилган. Ҳар бир хонадоннинг қишдан яхши чиқиши учун лозим бўлган барча тадбирлар кўрилади.

ФЕСТИВАЛЬ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент телевидение студиясининг ташаббуси билан В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган мамлакат телестудияларининг фестивали давом этмоқда. Октябрь ойи ўрталарида Узбекистон пойтахтининг телетомошабинлари Ильичнинг ўсмирлик йиллари ўтган шаҳар қозонлик меҳмонларнинг чиқиши билан таништирган эдилар. Мана энди эстафетани ленинградликлар давом эттиришмоқда.

«Горизонт» редактори Галина Агапова тайёрлаган ва диктор Людмила Маретина олиб борган уч соатлик кўрсатиш программаси Ленинград телевидение студиясининг янги ижодий ишларига дастлабки кўрикдир.

«Штурм» телевизион фильми 1917 йилнинг Октябрь революцияси ҳақида ҳужжатлар асосида суратга олинган.

Жаҳон маданиятининг икки йирик маркази — Ленинград ва Дрезден шаҳарлари Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ. «Дарё ёқасидаги икки шаҳар» фильми ана шу шаҳарларнинг музейларида сақланаётган рассомчилик ва ҳайкалтарошликнинг нодир асарлари, архитектура ёдгорликлари, театр ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Узбек телетомошабинлари муҳокамасига ленинградликларнинг яна бир ижодий ишн — «Партия кандидати» спектакли ҳам тавсия қилинди.

Телевидение билан ҳамкорлик қилаётган ленинградлик қўшиқчи Эдуард Хилнинг ижоди кўпчиликка манзурдир. Ленинград телестудиясининг сермазмун программаси унинг ижросидаги янги қўшиқлар билан якунланади.

Юбилей фестивали эшиттириши ва кўрсатувларида мамлакатимизнинг барча телевидение студиялари иштирок этадилар.

СУРАТДА: Ленинград ва Тошкент телестудияларининг дикторлари Людмила Маретина ва Галина Мельниковалар.
А. Абдусаломов фотоси.



● Шаҳар комсомол комитетида

Ёшлар тарбияси — муҳим иш

«Ҳозирги вақтдаги асосий, вазифа» — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «ВЛКСМ 50 йиллиги ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш вазифалари тўғрисида» қабул қилган Қарорида,— ёшларни ҳар томонлама камол топган, маълумотли, коммунизм ғалабаси учун толмас курашчилар, давлат ва жамоат ишларини моҳирлик билан бажарадиган кишилар қилиб тарбиялашдан иборат...»

Ҳамза район саноат корхоналари комсомол ташкилотлари партиямизнинг бу кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб бериш учун кўпгина диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Ёшлар ленинча яшашга, курашга, ишлашга, доҳий таълимотини чуқур ўрганишга сафарбар этилган. Саноат корхоналари ётоқхоналарида яшовчи ёшларнинг гоявий ўсиши район комсомол комитетининг диққат марказида турипти. Маълумки, районда 30 дан ортиқ ётоқхона мавжуд. «Ташсельмаш», Чкалов номли заводлар, 1-уйсозлик комбинати, 3-қурилиш трести ва бошқа йирик саноат корхоналарида бир неча ётоқхоналар бор. Комсомол ташкилотлари, ётоқхоналар советлари, тарбиячилар ишчи ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Комсомол комитетларининг бевосита ғамхўрлигида ётоқхоналарда қизил бурчаклар ташкил этилган. Ёшларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари сезиларли даражада яхшиланмоқда. 1-уйсозлик комбинатини олайлик. Бу ерда ишлар намунали йўлга қўйилган. Комбинат ётоқхоналарида ёшларнинг шуғулланишлари учун фотолаборатория ишлаб турибди. 4, 6-ётоқхоналар территорияларидаги волейбол майдонлари яхши жиҳозланган. Мавжуд ётоқхоналарда ойида икки марта лекция, суҳбатлар ўтказилиб турилади. Сўнгги вақтларда «В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти», «Октябрь кунлари шуҳрати сўнмайди», «Гражданлар уруши қаҳрамонлари» деган стендлар ташкил этилди.

Ётоқхоналарда тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишда комендант ва тарбиячиларнинг роли катта, албатта. Бу иш, айниқса, Чкалов номли заводда яхши ташкил этилган. Завод ётоқхоналарида 2700 дан ортиқ ишчи истиқомат қилади. Шундан 80 процентга яқинини комсомол-ёшлар ташкил этади. Ётоқларда турувчиларнинг 68 процентга яқини ишчи-ёшлар мактаблари, техникумлар, институтларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқдалар. Ётоқхона совети ва тарбиячилар қатъий план асосида иш олиб бормоқдалар. Барча ётоқхоналарда ҳавфсизлик тўғаракларн йўқ бўлса-да, завод клубида ана шундай тўгараклардан 11 таси мунтазам ишлаб турибди.

Шаҳар комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюроси район саноат корхоналари ётоқхоналарида яшовчи комсомол ёшлар ўртасида қилинаётган намунали ишларни алоҳида қайд қилиб ўтди. Шу билан бирга, бу борада йўл қўйилган айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб берди.

Шаҳар комсомол комитети бюроси Чилонзор район комсомол комитетининг районда физкультура ва спорт ишларини яхшилаш борасидаги фаолияти масаласини ҳам атрофлича кўриб чиқди. Комсомол комитети бюроси кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

200 ТОННА

Сирдарё областидаги «Махтали» совхозида етиштирилган «оқ олтин»ни қисқа муддатда йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам бераётган тўқимачилик комбинатининг коллективи гайрат билан меҳнат қилмоқда.

Бугун

Сайдулла Мирзаев, Бўрон Ғозибеков, Маҳмуд Турсунов, Мансур Отауллаев, Людмила Колесникова ва бошқалар ҳар куни 100-130 килограммга етказиб пахта теришмоқда.

ФАХРЛАНАМИЗ

Тошкент Давлат медицина институти студентлари Сирдарё областидаги Титов номли 6-совхозда, мана, бир неча кунлардан бери «оқ олтин» термоқдалар. Теримга чиққан 4,5 мингдан ортиқ студентнинг қалбида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги ҳамда институтимизнинг 50 йиллик тўйини меҳнатда муносиб зафарлар билан кутиб олиш ҳисси жўш ўрмоқда.

Айниқса, факультетлараро ўтказилаётган мусобақаларда студентлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Даволаш факультетининг 5-курс студенти Одина Жўраева кунига 100—120 килограммдан, шу факультетнинг 4-курс студентларидан Пўлат Набижонов, 250—300 килограмм, Раҳматилла Рискиев 200 килограммгача, Турсунбой Акбаров 130—150 килограмм, Олимжон Нодирхонов 150—200 килограмм, шунингдек, 2-курс студенти Файзимамат Рўзиев 150—170 килограммгача пахта териб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Беш кунликда даволаш факультети биринчи ўрнини эгаллаб, институт кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Терим олдидан эрталабки ўтказилган йиғилишда факультет штаб бошлиги доцент Исомиддин Ғуломович Азимов студентларимизни бу ютуқ билан табриклаб, уларга бўлғуси мусобақаларда катта муваффақиятлар тилади. Йиғилишда илғор теримчиларга мукофотлар топширилди.

Биз студентлар «оқ олтин» йиғим-теримида қатнашаётганимиз билан фахрланамиз.

Шуҳрат ШАЙХОВ,
Тошкент Давлат медицина институти студенти.

СУРАТДА: Тошкент Давлат медицина институтининг 5-курс студенти Одина Жўраева пахта даласида.
Автор фотоси.



● Тошкент мамлакатга — жаҳонга

АВТОМОБИЛСОЗЛАР УЧУН

Россия Федерациясидаги Тольятти номли автомобилсозлик заводини бунёд қилиш мамлакатнинг зарбдор қурилишларидан биридир. Уни тиклашда Совет Иттифоқидаги кўпгина корхоналар қатнашмоқда.

Яқинда бўлажак завод маъмуриятидан шаҳарнинг «Подъемник» заводига буюртма келган эди.

Бугун

ЗАВОДДА ТОЛЬЯТТИ ШАҲРИГА ЮБОРИЛАДИГАН 3 ТА КРАН ТАХТ ҚИЛИНДИ. ЯНА УЧТА ҚУДРАТЛИ МЕХАНИЗМ ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Бундан ташқари корхонада чет эл мамлакатларининг буюртмалари ҳам бажо келтирилмоқда. Яқинда Жазоирга 2 та кран жўнатилган эди. Шу кунларда эса Германия Демократик Республикаси ва Сурия мамлакати учун кранлар тайёрланмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Хитой Халқ Республикаси халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг доимий комитети билан ХХР Давлат кенгаши Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми билан СССР Министрлар Совети номига телеграмма йўлладн. Телеграммада Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан юборилган табрик учун ташаккур изҳор этилади.

◆ Узбекистон ССР Олий Советининг ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияси Олий Совет Президиумининг муҳокамасига «Ёшларнинг бўш вақти қандай ташкил этилган!» масаласини олиб чиқди.

Президиум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

● *Теннис бўйича мамлакат биринчилиги*

УЮШГАН ДУЭТЛАР

Утган куни якка учрашувларнинг қатнашчилари учун дам олиш куни эди. Улар бўлажак ҳал қилувчи «жанг»ларга куч тўплаётган бир пайтда аёллар, эркаклар ҳамда аралаш жуфтларнинг чорак финал ўйинлари бўлиб ўтди.

Ярим финал учрашувларнинг қатнашчилари кескин олишувлардан сўнг аниқланди. Бир-бири билан умумий тил топа олган, бир бирини тўлдирган, уюшган дуэтлар муваффақият қозонишди.

Совет Иттифоқининг икки марта чемпионлари москвалик Егоров ва Коротков уч сетда анчагина кучли дуэт — Мозер ва Лихачевни мағлубиятга учратдилар Ҳисоб: 6:4, 9:7, 7:5. Мусобақаларда муваффақиятли ўйнаётган Пальман тажрибали Какулия билан Лунин ва Морозов дуэтига қарши ўйнашди. Биринчи жуфт 6:2, 6:2, 6:3 ҳисоби билан ютди. Лампл, Симсон ва Лихачев, Волков дуэтлари ҳам ярим финалда ўйнайди.

Аёллар жуфти ўртасидаги кураш ҳам кескин ўтди. Ярим финалга чиқиш учун Морозова, Янсоне Куль, Киви билан ва Крюкова, Еремеева, Бакшеева, Чувирина билан учрашадилар.

Ярим финалга чиқиш учун ўтказилган тўрт учрашувнинг учтасида голиблар ҳал қилувчи учинчи партияда аниқланганлиги, аралаш жуфтларнинг кураши нақадар шиддатли ўтаётганлигидан далолат беради. Биргина учрашув икки партияда ҳал бўлди. Морозова билан Коротков Куль ва Пальманни 6:4, 6:4 ҳисоби билан таслим қилишди. Ҳисобга қарамай бу учрашув ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Қолган учрашувларнинг натижалари қуйидагича: Чувирина, Какулия — Симсон, Симсон — 3:6, 6:3, 6:4; Киви, Лампл — Таранова, Сивохин — 2:6, 6:3, 6:4; Бакшеева, Егоров — Изопайтис, Волков — 2:6, 6:2, 6:4.

РОССИЯ АРМУҒОНИ

РСФСР бунёдкорлари уч ярим йил мобайнида 332 минг квадрат метр саҳнли 140 бинони қуришди

Дўстлар мададидан ҳамшаҳарларимиз ниҳоятда мамнун

Ҳимматингизга балли, қардошлар!

ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

СОВЕТ Иттифоқи халқларининг дўстлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бебаҳо самарасидир. Бу қудратли куч ҳаётимизнинг, қудратимизнинг, давримизнинг манбаи бўлиб қолди. СССР халқларининг Тошкентдаги жасорати фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Бутуниттифоқ қурилишида инсоннинг мардлиги ва саботлилиги ҳақида достон яратилди.

Бу достон 1966 йилнинг май ойида Тошкентга Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан қурилиш поездларининг келиши билан бошланди. Ҳар бир коллектив олдига қисқа вақт ичида барча қулайликлари бўлган уй-жой биноларини тез муддат ичида қуриш масаласи қўйилди.

«Росташстрой» трести зиммасига 330 минг квадрат метр уй-жой биносини барча маиший хизмат кўрсатиш объектлари билан бирга қуриш топширилди.

Қурувчилар дастлабки қийинчиликларга қарамай ишга енг шимариб киришдилар. Қисқа муддат ичида улкан ишнинг самаралари кўрина бошлади. Чилонзордаги В-23 микрорайонида 44 та беш қаватли уй қуриб фойдаланишга топширилди. Уларни бунёд қилишда 14 та қурилиш-монтаж поезди қатнашди.

1967 йилнинг март ойида асосий қурилиш ишлари «Марказ — 4», «Марказ — 5» кварталларига кўчирилди. Собиқ Қашқар маҳалласи ўрнида 5 қаватли уйларни қуриш бошланди. Бинокорликда бироз тажриба орттирган мутахассисларимиз қурилиш таннархини камайтириш ва унинг сифатини оширишга мақсадида бир қатор қимматли ишларни амалга оширдилар. Ана шу мақсадда трест қошида темир-бетон буюмлари заводи ишга туширилди. Завод уч ой мобайнида қурилди. Суткасига 1500 гувалометргача бетон тайёрлаб берилди.

Бу кварталларда Новокузнецк қурилиш поездининг миришкор қурувчилари дастлабки уйлар қурилганлиги ҳақида рапорт бера бошладилар.

Тошкент шаҳрида олиб борилган қурилиш ишлари ажойиб тажриба мактабига айланди, дейиш мумкин. Чунки қурилиш техникасининг илидан игнасигача пухта ўзлаштирган, илғор тажрибали ажойиб кадрлар етишиб чиқа бошлади. Горький шаҳридаги қурилиш техникумини битириб келган Владимир Лобанов ана шундайлардан биридир. У бу ерда оддий қурувчи эди. Кейин бригада бошлиғи, прораб ва ниҳоят қурилиш участкасининг бошлиғи даражасигача кўтарилди. Механизация сирларини пухта ўзлаштирган Василий Лазаренко ҳам ана шундай йўлни босиб ўтди. У Горький қурилиш-монтаж поезди партия ташкилотининг секретари лавозимига кўтарилди. Партия ҳукуматимиз бу абжир ва ишбилармон йигитни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.


Россия қурувчилари ҳақида гап кетганда, волгоградлик Василий Осадченинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У Тошкентда қилган меҳнатлари эвазига Ленин ордени билан мукофотланишга сазовор бўлди. У ўз ҳисобида 20-мактабни қуриб битказди. Москвалик А. Данилов ҳам тўққиз қаватли уйларнинг қурилишида қатнашиб донг таратди. Унинг кўксида Ленин ордени порлаб турибди. Булардан ташқари жуда кўп қурувчилар мамлакатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Мана, ниҳоят Россия Федерациясининг минглаб йигит-қизлари 332 минг квадрат метр уй-жой биноларини қуриб бўлганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Эндиликда ўзбек халқи уларга «Катта раҳмат сизларга, россиялик қардошлар» демоқдалар.

Россиялик қурувчилар Тошкент шаҳрида барча қулайликларга эга бўлган ва ҳамма ёғи ободонлаштирилган учта микрорайон бунёд этдилар. Улардаги 170 та ҳашаматли уйларда минглаб уй тўйлари ўтказилди.

Қурувчиларимиз ўзларининг қардошлик бурчларини шараф билан бажардилар. Улар қардош ўзбек халқига эзгулик ва ибратларини енгишда ёрдам бериб халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам бердилар.

В. ЖИЛИН
«Росташстрой» трести бошқарувчиси.



Экскаваторчи Николай Козлов (ўнгда) ҳалол меҳнати учун ҳукуматимизнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Ярославль қурилиш-монтаж поездида бундай ажойиб кишилар кўп.



Юқоридаги суратга қаранг. У 1966 йилнинг 26 апрель куни Қашқар маҳалласида объективга туширилган. Чиндан ҳам зилзила минглаб эски уйларга катта зарар етказди.

Лекин инсон ҳар қандай табиат офатларнинг мардлик билан енгиб ўтади. Мана орадан уч йил ўтиши билан ана шу вайрона бўлган уйлар ўрнида бири-биридан ҳашаматли бинолар қад кўтариб турибди (чапдаги сурат). Бу биноларга ҳамманинг ҳаваси келади.

Бу шинам ва қулай уйларда истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимиз қардош олиҳиммат қурувчиларнинг меҳнатидан миннатдор бўлиб, бегараз ёрдами ва ҳиммати учун чин қалбдан уларга ташаккур изҳор этмоқдалар.

ДЎСТЛИК ОБИДАСИ

В-23 кварталини бунёд қилишда Москва қурилиш-монтаж поезди азаматлари катта меҳнат сарф қилишди. Улар дўстлик хотирасига бағишлаб улкан обида ўрнатдилар.

«Ўроқ ва болға» ҳамда Ленин орденларининг рамзи туширилган обидада қуйидаги сўзларни ўқийсиз.

«Россиянинг ишчилар синфи сўзда эмас, амалда интернационал бўлган»... УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН).

Ёдгорлик москвалик архитектор Е. Муровскийнинг лойиҳаси асосида қурилди. Шу кунларда унинг атрофи ободонлаштирилиб, гуллар экилмоқда.

Б. СТАНИСЛАВОВ,
қурувчи.

ЖАНГОВАР САҲИФАЛАР

1966 йилнинг ёзида қурилиш ишлари кент қулоч ёзабошлаш билан «Росташстрой» трести маъмурияти ва партия комсомол комитетлари органи «Российский строитель» газетаси чиқа бошлади. Газета қисқа вақт ичида ранг-баранг қизиқарли материаллари, қурилиш ишини жадаллаштиришдаги танқидий чиқишлари билан бинокорларга ёқиб қолди.

Уч йил давомида газетанинг 123 жанговар сони чиқди. Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитети газетанинг ўз фаолиятини ниҳоясига етказганлиги муносабати билан редакция коллективига табрик йўллади.

В. БЕРШИНСКИЙ.

Факт ва рақамлар

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ БУНЁДКОРЛАРИ УЧ ЯРИМ ЙИЛ МОБАЙНИДА УМУМИЙ МАЙДОНИ 332 МИНГ КВАДРАТ МЕТРНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН 170 БИНОНИ ҚУРИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРДИЛАР.

Шу жумладан: Москва қурилиш-монтаж поездлари 31 минг 482 квадрат метр;
Новокузнецк — 23 минг 706 квадрат метр;
Куйбишев — 13 минг 149 квадрат метр;
Тула — 16 минг 457 квадрат метр;
Череповец — 13 минг 415 квадрат метр;
Бошқирдистон — 7 минг 526 квадрат метр;
Горький — 22 минг 095 квадрат метр;
Ярославль — 21 минг 043 квадрат метр;
Волгоград — 22 минг 893 квадрат метр;
Челябинск — 30 минг 605 квадрат метр;
Краснодар — 17 минг 043 квадрат метр;
Новосибирск — 22 минг 156 квадрат метр;
Воронеж — 21 минг 278 квадрат метр;
Саратов — 25 минг 282 квадрат метр.

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Мен етти фарзандимнинг онасиман. Бинокорлар фидокорона меҳнат қилаётганларини кўраётганимда ўғилларим ҳам ана шундай кишилар бўлиб етишишларини орзу қиламан.

Зилзила пайтида биз ҳам азият чекдик. Уйимиз шикастланиб, вақтинча нари тур-бери тур бўлдик. Орадан ойлар ўтиши билан ташвишли кунлар ўтиб кетди. Оиламизга бир сўз билан айтганда қурувчилар қувонч ҳадя этишди. Улар меҳр билан қурган уйлардан бирига кўчиб кираканмиз бошимиз осмонга етди. Квартирамиз тўрт хонали. Ҳамма шароитлари муҳайё этилган.

Биз оиламиз билан қўли гул қурувчилардан бир умрга миннатдор бўлиб қоламиз.

Р. РУСТАМОВА,
кўп болали она.

Бугунги Тошкент



● ҚИШ ҚУТИБ ТУРМАЙДИ

ҚУРУВЧИЛАР ЖАВОБ БЕРИШСИН

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги Бош қурилиш индустриясига қарашли 1-ремонт-механика заводида бир неча йил паровоздан фойдаланилди. Корхона цехлари ана шу паровозда ишлаб чиқарилган буғлардан иссиқлик ўрнида фойдаланди.

Бу агрегат ишлаб чиқаришни тўла таъмин эта олмаслиги турган гап эди. Ўтган қишнинг қаҳратон кунларида унинг кам қувватлилиги айниқса билинди.

Коллектив план топшириқларини бажарган бўлсада, аммо бугунинг етишмаслиги оқибатида гоҳ у, гоҳ бу участкада ишлаб чиқариш тўла бажарилмай қоларди. Коллектив бир мунча такомиллашган иссиқлик системасини барпо этишга қарор қилди.

Ҳозир қиш келмасдан буғ қозонлари ишга тушурилади, завод ишлаб чиқариши бир меъёрда боради, деб айтиб бўлмайди. Чунки...

Вақт зиқ қолди

Айтгандек, буғ қозонлари белгиланганидай бир ярим йилда эмас, балки қарийб тўрт йилдан буён қурилмоқда. Уни ишга тушириш муддатлари бир неча бор узайтирилди. Бу хусусда «Главташкентстрой» 9-қурилиш трестининг бошлиғи Л. Крайзманга кўп марта хат ёзилди. Буғ қозонхонасининг кўриниши жуда чиройли, кадди баланд, бинонинг кенг ва ёруғ. Бу ерга ўрнатилган машиналар жуда чиройли қилиб бўялган.

Буғ қозонхонасида пардозлаш ишлари ҳали тамомланганича йўқ. Трубалар остига бетон қоришмалари қуйилмаган.

Завод раҳбарлари энг муҳим ҳисобланган очиқ ҳаводаги трубопроводларнинг термоизоляция қилинмаганлигидан ташвишланмоқдалар.

—Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, —дейди капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари М. Хаинсон, — биз трубаларга сув қуйиб кўрганимизда уларнинг биринчи совуқдаёқ ёрилиб кетишига амин бўлдик.

9-қурилиш трестининг уч ёш ишчиси — М. Дину, С. Хайруллина ва С. Тавабилова буғ қозонхонасининг ташқарисидаги трубаларни термоизоляция қилмоқда. Уларнинг бригадири Р. Куник эса бошқа объектда. У ремонт-механика заводида бўлмайди. Бу ердаги ишларга М. Дину раҳбарлик қилиб турибди. Биз ундан:

—Ҳали ишларинг кўпми?— деб сўрадик.

—Тамомлаяпмиз, — деди М. Дину. Эртага охирги кун ишлаб, жўнаб кетамиз.

—Эртага, қолган ишларни ким қилади?

—Яна қандай ишлар?

Беш минутлик суҳбатда М. Хаинсон унга бартараф этилиши керак бўлган камчиликларни кўрсатди.

Очиқ ҳаводаги трубаларни изоляция қилиш бўйича мутасадди бўлган прораб А. Кронов қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олмаганлиги туфайли улар чалакам-чатти бажарилди. Бундай бажарилган ишнинг самарасиз бўлиб чиқиши аниқ албатта.

Бу ҳақда 9-қурилиш трестининг раҳбарлари жиддийроқ ўйлаб кўрсалар бўларди. Чунки, вақт зиқ қолди. Ҳадемай ишлаб чиқариш участкаларини иситишга тўғри келади.

Пудратчилар эътиборсизлиги

Буғ қозонлари ишлаяпти, деб фараз қилайлик. Энди унинг ишлаб чиқарган иссиқлигини иссиқлик системаси бўйича корхонанинг еттита цехидаги радиаторларга тақсимлаш керак. Ана шу мақсадда шу йил август ойида завод территориясида теплотрасса қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишни Чирчиқдаги 160-қурилиш трестининг 126-механизациялашган кўчма колоннаси бажармоқда.

Завод территориясининг қаерига борманг, катта чоҳлар қазилган, тупроқ ишлари муддати ўтиб кетган бўлсада, ҳанузгача тамомланмаган. Энди ёғингарчилик пайтида бу ердаги аҳволнинг қандай бўлишини кўз олдингизга келтиринг-а. Заводнинг ҳаммаёғи ботқоққа айланади.

Аммо, қурувчилар шошилмаяптилар. Улар теплотрасса йўлларида трубаларни ётқизиб, улаб бўлишмаган, сақизга қудуқ қурилиши ҳам ўлда-жўлда ётипти.

Бу қурилиш трестининг пудратчи ташкилоти — «Ўзсантехгазмонтаж» трестининг область монтаж бошқармаси 15 октябрда теплотрассадаги трубопроводларни улаб бўлиши керак эди. Ваҳоланки, улар 13 октябрда ишга туширдилар. Шунда ҳам қандай деиг?

Бу ерда 35 минг сўмлик монтаж ишлари бажарилиши керак. Бу иш билан эса Тошкент область монтаж бошқармасининг икки ишчиси шуғулланмоқда холос. Шунча ишни бажариш учун улар қанча муддат ишлаши кераклигини фараз қилиб кўринг-а. Бу ерда 480 метрга беш қатор трубопроводлар ётқизилиши ва бир-бирига уланиши керак.

Тошкент область монтаж бошқармасининг бошлиғи И. Воҳидов бу ердаги ишларни тезлаштириш учун слесарлар ва электр пайвандчилар беришдан бош тортди. Завод маъмурияти ишлаб чиқаришга зарар келтириб бўлса ҳам корхона мутахассисларидан 8 кишини ана шу ишга ажратди.

Шунда ҳам теплотрассада ишчи кучи, қурилиш материаллари етишмаяпти. Бу ерда фақат трубалар уланибгина қолмай, уларнинг усти иссиқ нарсалар билан ўралиши, чоҳга цемент плиталар ётқизилиши керак.

«Ўзсантехгазмонтаж» трести ремонт-механика заводида қурилаётган теплотрассага жуда кам эътибор бермоқда. Ҳозирги пайтда теплотрасса қурилишининг чўзилиб кетиши кун сайин ойдинлашиб бормоқда. Завод дирекцияси ва партия комитети оёққа турган. Агар Чирчиқдаги 160-қурилиш трести ва «Ўзсантехгазмонтаж» трести теплотрасса қурилишига бўлган муносабатларини ўзгартирмасалар завод иситиш системасидан маҳрум бўлиши, ишлаб чиқариши орқага кетиши аён бўлиб қолди.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг энг муҳим корхоналаридан бири бўлган бу завод республикадаги, жумладан Тошкент тракторсозлик заводини, Фарғонада қурилаётган картон-рубероид заводини, Олмалиқ химия комбинати каби қатор қурилишларни металл конструкциялар билан таъминлаб турибди. Корхона республикамиз пойтахтидаги энг илғор коллективлардан бири ҳисобланади.

Бу коллектив СССР қурилиш министрлиги ҳамда қурилиш ва қурилиш материаллари саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроғини олишга муваффақ бўлган.

Корхона йиллик топшириғини бажара олмай қолишига сабабчи бўлмаслик учун теплотрасса қурилишини ўз вақтида тамомлаш керак.

В. АННЕНКОВ,
1-ремонт-механика заводи халқ контроли группасининг раиси.

А. ОБИДХЎЖАЕВ,
В. ЛАПИНА.

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Кўпинча ким эшик қоқиб кабинетга кириб келса, кадрлар бўйича директор ўринбосари Собит Ғиёсович Обидов ўзича ўйларди:

— Наҳотки яна ариза ёзиб кирди.


Чунки унинг олдига кирган ёшларнинг кўпчилиги, ўз хоҳишим билан ишдан бўшатсангиз, деган илтимос билан кирарди.

Бу ёшларнинг кўпчилигида ҳам ишлаб, ҳам ўқиш иштиёқи бор эди. Заводда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга шароит йўқ эди.

Мана, завод қошида кечки ишчи-ёшлар мактаби очилди. Мактабда етмишга яқин ёшлар ўз билимларини оширишмоқда.

Заводда кечки ишчи-ёшлар мактабининг очилиши ишчи-ёшларимизнинг билимларини оширишга катта имконият яратди ва уларнинг бир корхонадан иккинчи бир корхонага кўчиб юришларига чек қўйди.

К. МУХТОРОВ.
«Миконд» заводи.



Шаҳримиздаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири — «Компрессор» заводининг машинасозлари мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кўплаб компрессор агрегатларини ишлаб чиқаратир.
СУРАТДА: навбатдаги жўнатилаётган агрегатлар.
М. Нуриддинов фотоси.

Оқшом газеталари саҳифаларида

ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ ҲИСОБИГА

— Шимолий-ғарб дарё кемачилиги мовий магистралларидаги меҳнаткашлар Ленинграддаги илғор корхоналарнинг ватанпарварлик ташаббусини кенг қўллаб қувватладилар,— дейилади «ВЕЧЕРНИЙ ЛЕНИНГРАД» газетасида босилган хабарда. Ремонт заводлари ва кемаларда ёнилғини тежаш учун мусобақа кенгайиб боряпти. Дарё меҳнаткашлари тежалган ёнилғи ҳисобига 1970 йил апрель ойидаги дам олиш кунларидан бирида текинга ишлаб берадилар.

Бу ҳаракатга биринчи бўлиб флотнинг Ленинград ремонт-эксплуатация базасининг қозонхона пайвандлаш цехи қўшилди. Мусобақага кўпгина кемаларнинг, шу жумладан «Волга-Балта-101» ва 45-танкер экипажлари ҳам қўйиб боряпти.

ҲАЛҚ КЎНГИЛЛИЛАРИ ХОТИРАСИГА

Яқинда «ВЕЧЕРНИЙ РОСТОВ» газетасида Ростов инженерлик-қурилиш институти ВЛКСМ комитети Ростов кўнгилли халқ ўқуви полки жангчилари хотирасига бағишлаб ўрнатиладиган мемориал ҳайкал лойиҳаси учун конкурс эълон қилганлиги ҳақида хабар босилди. Бу конкурсда архитектура факультетининг студентлари иштирок этадилар. Бўлажак инженер-қурувчилар мемориал ҳайкал учун сарф бўладиган маблағни олий ўқув юрти бўйича бўладиган шанбалик ва якшанбаликларда ишлаб топишга қарор қилдилар.

Халқ кўнгилли қаҳрамонларига ўрнатиладиган мемориал ҳайкал Германия фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги байрами арафасида очилади.

«ТЕЗ ЁРДАМ»НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

Москва «Тез ёрдам» станцияси ўзининг эллик йиллик юбилейини нишонлади. У 1919 йилнинг 15 октябрида ташкил қилинганди ва ўша пайтда врачлар, фельдшерлар ва медицина ҳамшираларидан иборат ўн уч кишилик коллективга хизмат қиладиган атиги иккита машинаси бор эди.

Ҳозир Москвада 22 та «Тез ёрдам» подстанцияси бўлиб, уларда зарур медицина аппаратлари билан жиҳозланган 200 машина бор, — дейилади «ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА» газетасида «Тез ёрдам» станцияси юбилейи муносабати билан берилган материалда.— Бу машиналарнинг бир қисми айрим касалларга ихтисослаштирилган. «Тез ёрдам» да ҳозир 300 дан ортиқ врач ва бир ярим минг ўрта медицина маълумотига эга бўлган ходим хизмат қилади. Бу ерда терапия бригадалари ҳам ташкил қилинган, улар жуда оғир касалларга чақирилганда боришади.

Яқинда Москва Совети станцияни кенгайтириш ва унинг учун етти қаватли бино қуришга қарор қилди. Машиналарни энг замонавий аппаратуралар билан таъминлаш учун алоҳида маблағ ажратилди.

ШЕЪР—ШЕЪР БЎЛСИН

(Ҳаваскорлар шеърларини ўқиб)

ХАВАСКОРЛАР йўллаётган шеърларни ўқиб улгурмайсан киши. Чунки мўъжизага бой давримизнинг улкан ютуқларини, «оқ олтин» тоғларини яратаётган заҳматкашларни, юлдузларга ошиқ фазокорларни, олтин ёшлик тўлқинларини ҳамма ҳам шеърда, шоирона айтгиси келади!

Турган гапки, ҳамма ҳаваскорлар ҳам ўз ҳис-ҳаяжонларини, ана шу воқеа-ҳодисалардан олган таассуротларини ҳулосалаб, ўқувчига манзур бўларли яхши шеър ёзавермайди, албатта. Редакциямизга келаётган шеърларнинг баъзилари ўзининг озгина бўлса ҳам шеъриятга яқинлиги, мусиқийлиги, ўқувчига нимадир демоқчи бўлганлиги билан шеърхонни қувонтирса, кўпчилик шеърларда эса ҳаттоҳ шеъриятнинг оддий қонуқоидасидан ҳам дарак йўқлиги кишининг кайфиятини бузади.

Бухоролик М. Ниёзмуродов, Ғ. Хотамов, андижонлик Х. Исамедов, сурхондарёлик Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳасанов, сирдарёлик И. Донишев, студентлардан А. Жалилов каби ҳаваскорлар шеърларидаги ўзига хослик, равонлик, айтилмоқчи бўлган мақсаднинг аниқлиги равшан кўзга ташланиб туради.

Ҳаваскор Ш. Раҳматуллаев бир шеърида дейди:

Дўппим осмонга ўхшар,
Гули ойга, юлдузга...

Ёки бухоролик С. Воҳидовнинг мана бу шеърига эътибор беринг:

— Менга юлдуз оберинг, ойи...
— Ухла эркам, юлдуз кўп йироқ.
Хўрсинади гўдак армонли,
Она қалбин чўлғайди титроқ.
Илож топса этмасми шу чоқ —
Тойчоғига ойни муҳайё!..
Бола билмас — ҳаёт бир жумбоқ,
Орзу-гоҳо армон бир дунё...

Зотан, шеърда образлик бўлмаса, уидаги ташбеҳлар киши ёдида ўрнашиб қолмаса, шеърга ошиқ дилни тўлқинлантирмаса шеърнинг шеърлиги қаердан қолади?!

Юқорида шеърлардан намуналар келтирилган авторлар ўз шеърларида ана шу хусусиятларнинг бўлиши учун изланадилар, тонгни тонгга улайдилар, машаққатли меҳнатдан қочмайдилар. Ахир, икки сатр шеърни шеърхонга манзур қилиш ўз-ўзидан бўлмайди-ку!

Тошкентлик Б. Жумабоев, Ш. Муҳамедов, И. Мамасидиқова, Б. Султонов, Х. Ёқубов, Р. Юнусалиев, Э. Сармонов, қашқадарёлик Э. Ҳасанов, Т. Очилов, фарғоналик А. Орипов, студентлардан А. Кўчимов, А. Пардаев, Б. Шокиров, сурхондарёлик А. Эргашев, бухоролик О. Халилов, андижонлик И. Гўлаков каби ҳаваскорларнинг шеърлари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин.

Энди мана бу мисраларга эътибор беринг:

Бўлай десанг чин инсон;
Меҳнат қилгин, чиройим.
Топай десанг шараф-шон,
Меҳнат қилгил ҳар донм.(?!)

деб ёзади тошкентлик ҳаваскор Б. Давлатов. Андижонлик Ж. Солиев эса:

Кўз куйдириб ўн олти кунлик (?!)
Ой сингари бўлиб кетибсан.
Икки юзинг қизил олмадек,
Ширин сўзли бўлиб кетибсан, —дейди.

Тошкентлик ҳаваскор С. Пардаев эса улардан ҳам ошиб тушади. Унинг «Текстильнинг қизлари» шеърларидан олинган мисраларга эътибор беринг-а:

Сизни кўриб йигитлар,
Салом деб таъзим қилар
План тўлганда йигитлар
Раҳмат деб базм қилар(?!)

Қани бу авторларнинг шеърларидаги шеърлик хусусиятлари? Улар бу мисралар билан нима демоқчи? Ёки шеърхонни алдашмоқчими?

Бу каби тумтароқ, мажруҳ мисраларни (агар шеър деган миера дейиш мумкин бўлса!) студентлардан Р. Баёзов, Н. Тожиев, Э. Охунжонов, А. Рустамов, Т. Тошев, М. Ёқубов, С. Раҳмонқулов, тошкентлик С. Усаров, С. Абдиев, Х. Зокиров, А. Усмонов, Х. Самадов, Б. Болтаев, В. Юнусов, А. Каттабеков, А. Жамолов, М. Мадаминов, И. Ғойибназаров, Т. Тувалов, Н. Абдусамадов, Ж. Шомуродов, бухоролик О. Аликулов каби ўнлаб ҳаваскорларнинг машқларидан ҳам истагавча мисол қилиб келтириш мумкин.

Устоз Мақсуд Шайхзода айтган эдики:

Элга дастёр бўлса шеърларимиз,
Демакки, умримиз ўтмабди бекор...

Демак, шеър элга дастёр бўлиши керак экан. Демак, шеър элнинг орзу-истагини, унинг дилидагини айта олиши; ҳуллас, шеър-шеър бўлиши лозим.

О. НАҲАНОВ.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ. Ливандаги вазият стабиллаша бошлади. Комендантлик соати Байрутда камайтирилди ва Тир билан Баалбек шаҳарларида бекор қилинди. Мамлакатнинг шимолидаги — Триполи шаҳрида ва жанубидаги — Бинт Жибайлида ҳаяжонли ҳолат ҳануз давом этмоқда.

Ливан пойтахтида президент Шарль Хелу билан сиёсий партияларнинг раҳбарлари ўртасида бўлаётган учрашувларда тангликни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Президент Ш. Хелу Рашид Карами билан

* * *

ҚОҲИРА. Ливандаги танглик Қоҳира матбуотида марказий мавзу бўлиб қолмоқда. «Ал-аҳром» газетасида босилган хабарда айтилишича, Ливандаги можарони бартараф қилиш мақсадида Қоҳира, Байрут ва Дамашқ ўзаро музокараларни давом эттирмоқда.

«Ал-жумҳурия» газетасининг ёзишига қараганда, Бирлашган Араб Республикаси «Ливан билан Фаластин партизанлари ўртасидаги можаро масаласини кўриб чиқмоқ учун араб мамлакатлари Иттифоқининг кенгашини чақириш тўғрисида Ливия билан Судан қилган таклифини қувватламоқда». Бирлашган Араб Республикаси, Ливия, Судан, Ироқ, Жанубий Яман Халқ Республикаси ва Кувайт араб мамлакатлари Иттифоқининг кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифга қўшилганликларини билдирдилар.

* * *


БАЙРУТ. Иордания Бош министри ва ташқи ишлар министри Абдул Монеим Ар-рифоний король Ҳусайннинг Ливан Республикаси президенти Ш. Хелуга ёзган шахсий мактубини Байрутга олиб келди. У журналистлар билан суҳбатда королнинг мактуби Ливандаги аҳвол масалаларига бағишланганлигини айтди.

(ТАСС).

СУДАННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ХАРТУМ. Судан Демократик Республикасининг Бош министри Бобакр Авадалло Судан революцион Кенгашининг қарорига биноан истеъфо берди. Революцион Кенгаш раиси Жаъфар Немайри янги министрлар кабинетини тузди ва ўзи бу кабинетда бош министр бўлиб қолди. Революцион Кенгаш раисининг ўринбосари бўлган собиқ бош министр Бобакр Авадалло ташқи ишлар министри ва юстиция министри қилиб тайинланди. Судан армияси бош штабининг бошлиги Холид Хасан Аббос мудофаа министри лавозимига, майор Фориқ Ўсмон Ҳамадалло ички ишлар министри лавозимига тайинланди.

(ТАСС).



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.
Польшанинг Висла дарёси бўйлаб ҳар ойда юзларча туристлар тез юрар енгил кемаларда саёҳат қиладилар.
СУРАТДА: саёҳатчиларни ташувчи кема Висла дарёсида.

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА

НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларида меҳмон бўлиб турган совет қосмонавтлари Георгий Береговой ва Константин Феоктистов Сан-Францискога келдилар. АҚШнинг ғарбий соҳиллари бўйлаб қилинаётган сафарда уларга Америка космонавти Гордон Купер ва Южин Сернан ҳамроҳ бўлдилар.

Сан-Франциско аҳолиси Совет Иттифоқи намояндаларини самимий кутиб олди. Шаҳар кўчаларида жуда кўп киши уларни табриклади.

(ТАСС).

БЕРЛИН БИНОКОРЛАРИ ТАШАББУСИ

БЕРЛИН. Б. И. Ленин номли майдонда қурилаётган бинолар комплексида ишлаётган бинокорлар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақа бошлашга қарор қилдилар. Бинокорлар ишлаб чиқаришни рационаллаштириш ва тағин ҳам юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун курашмоқдалар.

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, эркин немис касаба союзлари Бирлашмасининг раиси Герберт Варнке берлинликларнинг бу ташаббуси республиканинг барча саноат корхоналарида мусобақани авж олдириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Варнке Берлин қурилиш комбинати ишчиларининг касаба союз йиғилишида сўзга чиқиб бу янги меҳнат ташаббусини ёйиш В. И. Ленин юбилейига кўрилаётган тайёргарликка кўшилган муносиб ҳисса бўлади, деди.

Касаба союз ташкилотининг раиси Артин Кнак шу йиғилишда комбинат ишчилари номидан гапириб, «Ленин таълим берганидек ишлаш, ўқиш ва яшаш бизнинг синфий бурчимиз» деди.

(ТАСС).

● *Ўзбекистон бўйлаб*

Журналистика университети

Ўзбекистон журналистлар союзининг Фарғона область бўлими ва область газета редакциялари ҳамда радио ташаббуси билан журналистика университети ташкил этилди. Университетга ишчи ва қишлоқ мухбирларидан 150 тингловчи қабул қилинди. Тингловчилар журналистиканинг «сир»ларини ўрганадилар, партия ва совет матбуотининг назариясидан қатор лекциялар тингладилар ва область газета ва радиоси редакцияларида амалий машғулотлар ўтадилар.

Ўқитувчиларнинг янги отряди

Водийдаги тўнғич билим маскани — Улуғбек номли Фарғона Давлат педагогика институтини ўқитувчиларнинг катта бир отряди — 630 йигит-қиз куни-кеча сиртдан тугаллади.

Фарғона қизи— республика чемпиони

Фарғона «Буревестник» жамиятининг аъзоси Людмила Долгова найзани 47 метрга улоқтириб, енгил атлетика бўйича кўнгилли спорт жамиятлари ва ташкилотларининг республика биринчилиги учун бўлган мусобақаларида ғолиблик қилди ва кичик ёшдаги қизлар ўртасида республика рекордини янгилади.



Шаҳримизнинг Киров районидаги яқинда ишга тушган янги тиш даволаш поликлиникаси меҳнаткашларга хизмат кўрсата бошлади.

СУРАТДА: физиотерапия кабинетининг врачи Л. Михайлова беморни УВЧ аппарати билан даволамоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

«Журналист»

Журналнинг номи ҳам унинг йўналишини айтиб турибди. Биринчи навбатда у газета, журнал, информацион агентликлар, нашриётлар, радио ва телевидение ходимлари, редакцияларининг штатсиз активларига мўлжалланган.

Журнал совет матбуотининг тажрибасини анализ қилади ва умумлаштиради, унинг ленинча принципларини пропаганда қилади, матбуот, радио ва телевидение ходимларига журналистиканинг назарияси ва тарихини ўрганишда ҳамда маҳоратларини оширишда ёрдам беради.

Владимир Ильич Ленининг 100 йиллигига тайёргарлик, совет экономикасининг долзарб масалалари, оммавий пропаганда воситаларига партия раҳбарлиги тажрибаси, социологик тадқиқотлар — матбуотимизнинг бу муҳим масалаларни «Журналист» саҳифаларида ўз аксини топади. Табиийки, у матбуотимизнинг, радио ва телевидениенинг янада ривожланиши учун халақит бераётган камчиликларни ҳам четлаб ўтолмайди, салбий ҳодисаларни танқид қилувчи материаллар беради.

Журнал ўқувчиларни йирик совет журналистларининг ижодий лабораторияси билан таништиради, редакция коллективларининг изланишлари ҳақида ҳикоя қилади, СССР Журналистлар союзи бўлимлари ва секцияларининг ишларини ёритади.

Чет эл матбуоти бўлими чет мамлакатлардаги нашрлар иши, буржуа ҳамда социалистик матбуотининг принциплари ва ахлоқи билан таништиради, журналистика проблемаларини ҳикоя қилиш йўли билан халқаро ҳаётнинг муҳим жараёнлари қараб чиқилади. Журналда қатнашиш учун мамлакатимиздаги ва чет элдаги халқаро темада ёзувчи кўзга кўринган публицистлар жалб қилинади.

Албатта, «Журналист» фақат шу касб кишиларигина назарда тутмайди. Бунн шу билан исботласа бўладики, журналнинг ҳозирги тиражи СССР Журналистлар союзи аъзолари сонидан уч баравар ортиқдир. Журнал ўқувчилари — партия ходимлари, зиёлиларнинг кенг доираси, ишчи ва қишлоқ мухбирлари— ҳуллас, матбуот, радио-телевиденнега ким қизиқса ҳаммадир. «Журналист» — бу газетачилар ва нашрёт редакторлари, радио ва телевидение ходимларинигина минбари эмас. Журнал саҳифаларида партия ходимлари, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, адабиёт ва санъат вакиллари, кўпгина матбуот органларимиз, радио эшиттувчилар ва телетомошабинлар қатнашадилар.

«Журналист»да ҳужжатли жанрда ёзилган энг яхши материаллар — репортажлар, очерклар, тадқиқотлар, йўл хотиралари, эсдаликлар мунтазам бериб борилади. Сатира ва юмор бўлими ҳам мунтазам бериб борилади. Журнал жуда чиройли безатилади. Энг яхши совет ва чет эл фотоусталари, рассомлари асарлари ўқувчига бугунги кунимизнинг янги қирраларини очиб беради.

«Журналист» репортер ва очеркист, фотомухбир ёки телешарҳчи бўлишни орзу қилиб юрган ёшларга кўп нарса бериши мумкин. Журнални мунтазам ўқиб борш ва ўрта мактабни битирувчилар учун эълон қилинадиган «Ўтиш балли» махсус конкурси орзу амалга оширишга ёрдам беради. Ҳудди шундай конкурс биринчи марта 1968 йилда бўлганди. Конкурс ғолиблари жюри тавсияси билан Москва ва Ленинград, Урал Давлат университетининг журналистика факультетига кириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Иккинчи «Ўтиш балли» конкурси шартлари «Журналист»нинг январь сонида эълон қилинади.

Журналнинг ҳажми ўн босма лист бўлиб, рангдор муқовали. Баҳоси 40 тийин.

Обуна баҳоси бир йилга 4 сўму 80 тийин; 6 ойга 2 сўм 40 тийин; 3 ойга 1 сўм 20 тийин.

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари ва корхона ҳамда муассасалардаги вакиллари томонидан қабул қилинади.

ИШЧИЛАР ЭҲТИЁЖИНИ ПИСАНД ҚИЛМАЙ

АМЕРИКА Қўшма Штатларидаги касаба союзларнинг энг катта бирлашмаси Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союз конгресси яқинда Атлантик-ситн курорт шаҳарчасида тамомланган ўзининг навбатдаги 8-съездида шу бирлашма тузилганлигининг 14 йиллигини нишонлади. Даставвал шуни айтиб ўтиш керакки, съездда ишчилар синфи учун ҳаётий муҳим бўлган бирорта қарор қабул қилингани йўқ, аммо съезднинг бориши ва якунлари ҳозир АҚШнинг ишчилар ҳаракатида рўй бераётган мураккаб чуқур жараёнларни маълум даражада акс эттиради.

Америка экономикасининг доимий касалига айланган инфляция миллион-миллион меҳнатчиларнинг моддий аҳволига тобора кўпроқ зарба ураётган бир пайтда съезд иш бошлади. Шу йил учинчи квартала нарх-наволарнинг кўтарилиши рекорд даражага етди — 5,5 процент ошди. Сентябрнинг охирига келиб ишсизлар сони уч миллион кишига етди. Бу эса мамлакатдаги жамики ишчи кучининг 4 процентини ташкил қилади. Президент Никсон маъмурияти молиявий-иқтисодий мушкулликлардан қутилиш йўлини қидириб, солиқларни тобора кўпайтирмоқда. Вьетнамдаги агрессия, жуда катта ҳарбий харажатлар, миллион-миллион кишилар оч қолаётганлиги, негрлар камситилаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси мураккаб проблемаларнинг шундай тугуни бўлиб қолдики, бу нарса уюшган ишчилар ҳаракатидан янги конструктив ва пишиқ йўл тутишни ва бирликни ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамлашни талаб қилади.

Бироқ, мана шундай масъулиятли пайтда Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси бирлашмасининг 1967 йилдаги съездидан бери ўтган вақт ичида Америкининг касаба союзлар фронтида «касаба союз ҳаракатлари иттифоқи» деган янги прогрессив бирлашма пайдо бўлди. Бу бирлашма бутун эскиликка ва «синфии сулҳ» назариясига қарши кескин кураш очди. Мини ва унинг шериклари тарғиб қилаётган мана шундай назарияга қарши курашувчи мазкур янги блокка автомобиль ва авиацион саноати ишчиларининг бирлашган касаба союзи ҳамда юк автомашиналари шоферлари билан омбор ишчиларининг касаба союзи аъзо бўлиб кирди.

Янги ишчилар союзининг характерли белгиси шуки, у ҳозир Америкада бўлаётган воқеаларга катта эътибор бермоқда. Мана шу союзнинг ўзи Вьетнамдаги урушга қарши 15 октябрдаги катта чиқишларни биринчилар қаторида қўллаб-қувватлади. «Касаба союз ҳаракатлари иттифоқи» мамлакатни янада ҳарбийлаштиришга ва ядро билан қуролланиш пойгасини давом эттиришга қарши ҳаракатнинг биринчи сафларида турибди.

Янги союз вакиллари Америка Меҳнат федерацияси-ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси бирлашмасининг съездида қатнашгани йўқ, албатта. Бироқ Атлантик-ситнда ўтган бу съезднинг мажлисларида уларнинг гоҳибона таъсири сезилиб турди. Америка Меҳнат федерацияси-ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси бирлашмасининг раҳбарлари мажлис бўлаётган зал атрофига беш қатор соқчилар қўйиб касаба союзларнинг 13,5 миллион аъзоси вакил қилиб юборган делегациялар ва журналистларнинг пропусклариии синчиклаб текшириб турган бўлсалар ҳам, аммо Америка ишчилар ҳаракатида эса бошланган янги шамолдан съездни, барибир, «ҳимоя» қилолмадилар. Бу нарса химиклар касаба союзи «ишини» муҳокама қилиш чоғида айниқса яққол кўринди. Бу касаба союз химия саноатининг ўн минглаб ходимларини ўз сафига тортиш мақсадида актив иш олиб бориш учун маблағлар беришни Америка Меҳнат федерацияси-ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси раҳбарларидан кўп вақтлардан бери талаб қилаётган бўлса ҳам, лекин бу мақсадга эришолмади. Маълумки, АҚШдаги ишчиларнинг қариб тўртдан уч қисми шу вақтгача касаба союз аъзоси эмас ва шу сабабли улар шафқатсиз эксплуатация қилинмоқда.

Химиклар касаба союзларининг раҳбарлари ўзларининг шу талабларини Мини қандирмаганидан кейин «Касаба союз ҳаракатлари иттифоқи»га ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Мана шу серкашлининг ўзи Мини ва шерикларининг қаҳр-газабини қўзғатди. Бироқ съездда бошланиб кетган музокаралар химиклар касаба союзи якка овоз эмаслигини, улар сингари норози бўлган бошқа касаба союзлар ҳам борлигини кўрсатди. Уларни муаллимларнинг, босмахона ишчиларининг касаба союзлари ва бошқа касаба союзларнинг вакиллари қувватлаб чиқди. Пухта ишланган овоз бериш машинасигина Минини мағлубиятдан сақлаб қолди. Химия саноати ишчиларининг касаба союзи Америка Меҳнат федерацияси-ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси составидан чиқарилди. Бу тўғрида муаллимлар касаба союзининг раҳбарларидан бири бўлган Селден бундай деди: «Химиклар чиқариб юборилганлиги ишчилар ҳаракатидаги бирликка асло ёрдам бермайди, балки ҳаракат сафини бузишни кучайтиради, холос».

Инфляция сабабли хўжайинлар ва ҳукуматнинг касаба союзларнинг ҳуқуқларига ҳужуми кучайиб бораётганлигидан меҳнаткашлар орасида кенгайиб бораётган норозиликни ҳисобга олиб Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси раҳбарлари Никсон маъмурияти билан «тотувлик алоқаларини» узишга мажбур бўлдилар. Улар илгари ҳукуматнинг экономика соҳасидаги йўлини ҳеч сўзсиз қувватлаб келган бўлсалар, эндиликда Мини съездда сўзлаган нутқида Америка экономикасида вужудга келган мудҳиш аҳволга эътиборни жалб қилди. Аммо у фактларни санаб кўрсатишдан нарига ўтмади, хўжайинларга қандай зарба бериш тўғрисида ҳеч қандай конкрет таклиф киритмади.


Ўткир социал, ирқий ва иқтисодий масалалар йўлида съезд қабул қилган резолюциялар ҳам шундай мужмал гаплар билан чекланди. Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгрессининг раҳбарлари шу резолюцияларнинг лойиҳаларини тегишли равишда ишлаб чиққанларидан кейин съезд делегатлари ва меҳмонларининг таъкидий нутқларда айтилган фикрлардан мазкур резолюцияларда асар ҳам қолмади.

Жумладан, Контра Коста округи ишчилар кенгашининг съезд муҳокамасига тақдим этган резолюциясида Вьетнамдаги агрессия минг-минглаб америкаликларни беҳуда қалоқ бўлишига олиб келаётир ва энг зарур ички проблемаларини ҳал қилишдан мамлакатнинг эътиборини чалғитаётир, дейилган эди. «Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгрессининг ижроия кенгаши Вьетнамдаги Америка қўшинларини дарҳол қуқуматнинг анча қисқартиришга эришмоқ учун бутун куч ва ғайратни сарфлаши лозим» дейилган эди резолюция лойиҳасида. Шунинг учун ҳам бу ҳужжат резолюциялар билан шуғулланувчи комитет қўлига топширилди-ю, лекин съезд делегатларига бориб етмади.

Аммо Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгрессининг раҳбарлари съездни, «Дейли Уорлд» газетасининг таъбири билан айтганда, «Антисовет спектаклга айлантиришга ҳаракат қилдилар. Мудофаа министри Лейърднинг АҚШнинг Вьетнамдаги сиёсатини ҳимоя қилиб чиққан нутқи билан кифояланмаган Мини ҳатто Исроил бош министри Голда Меирни ҳам съездда нутқ сўзлашга таклиф қилди. Бундан фойдаланган Голда Меир ўзининг нутқида Совет Иттифоқига қарши қутуриб туҳмат лар ёғдирди.

Америка Меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгрессининг 8-съезди Мини группаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатдаги асосий принципларидан воз кечмаганлигини, ишчилар синфини ҳозир мамлакат олдида турган энг муҳим масалаларини ҳал қилишда актив қатнашишдан зўр бериб четга тортаётганлигини яна бир марта исботлаб берди. Шу билан бирга съезд кўпгина касаба союзларнинг сафларида келишувчилик йўлига қарши жанговарлик кайфияти ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Меҳнаткашлар билан ҳукумат ва катта бизнес бирлашган блоки ўртасидаги тўқнашувларнинг натижалари мана шу кайфиятларнинг ниҳоллари қанчалик тез ўсиб қувват олишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

В. ЧУКСЕЕВ,
ТАССнинг Вашингтондаги мухбири.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.
Венгрия ишлаб чиқараётган тез юрар пассажир дизель поездларига бўлган талаб юқи сайин ортиб бормоқда.
СУРАТДА: янги пассажир дизель поезди.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

ПАРИЖ. Франс Пресс агентлиги Кингстаундан хабар беради:

Кариб денгизидаги Сент-Винсент оролида Англиянинг 450 йил давом этган мустамлака ҳукмронлиги тугаганлиги муносабати билан миллий байроқни кўтариш маросими бўлди.

Сент - Винсент. Кариб денгизида чоғроқ орол бўлиб, юз минг кишига яқин аҳолиси бор. Бу орол Буюк Британия билан иттифоқлашган давлат бўлиб қолди ва шу тариқа тўла мустақиллик олиш йўлида биринчи қадамни қўйди. Сент-Винсентга ўз ҳукуматига эга бўлиш ва ўзининг ички ишларини ўзи бошқариш имконияти берилди. Англия ҳукумати оролнинг ташқи сиёсатини белгилаб беришни ва мудофаага доир масалаларнинг ҳаммасини ҳал этишни давом эттиравергани.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3

БЕТ.

31 ОКТЯБРЬ, 1969 Й.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Радио

1 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Сиз ёқтирган қўшиқлар. **9.30** Қувноч қўшиқлари. **10.10** «Гулшан» радиожурнали. **11,15** «Ассалом, она-ер» деган музикали-адабий поэма. **11.35** Қўшиқ ва рақслар. **12.15** Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). **13.30** Таниқли ижрочилар концерти. **15,10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** П. Мўмин шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **16.10** Эстрада концерти. **17.20** Уйғур куйлари. **17.50** «Идеология ва ҳаёт» (ўзбекча).

18.00 Республика халқ ҳофизларининг концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбекистон радиоси солистларининг концерти. **20,00** «Лениниома» программаси (ўзбекча). **20.30** Чолғу куйлари. **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт (ўзбекча). **22.20** Лирик қўшиқлар. **23.10** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Оперетталардан парчалар. **9.15** Спорт эшиттириши (русча). **19.00** Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон шоирларининг шеърлари (русча). **20.00** Пахта далалари механизаторлари учун концерт (тожикча). **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Турмуш гигиенаси» циклидан (русча). **21,00** Эстрада концерти. **21.40** «Механизатор ҳақида сўз» деган очерк (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 «Композитор Эди Тирманд» деган суҳбатли концерт. **15.30** Н. Фозилов, «Оқим» радиопостановкаси. **17.30** А. Арбузов. «Иркутскдаги воқеа» радиопостановкаси (русча). **19.00** «Гулшан» радиожурнали.

Телевизор

1 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида: 10,00** «Экран хандаси». Дам олиш программаси. **10.40** «Оқ йўл, зангори кушча». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. **12.45** Янгиликлар. **13,00** «Вахтли бўлинг». Дам олиш программаси. **13.30** «Объектив». Телеклуб. **14.30** Ўрта Осиё республикалари энг яхши токарь ва слесарларининг республикалараро телевизион конкурси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17,00** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 17.10 Болалар учун. «Қувноқлар давраси». **17.40** «Йўл-йўл юзли». Телефильм. **18.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Олов қалбли кишилар». **18,40** Пахтакорларнинг октябрь олди вахтасида. **18,50** Хатлардан — қўшиқларга. Концерт. **19.40** Телевизион янгиликлар. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Янгиликлар. **20.15** «Ленин, революция, ҳозирги замон». В. И. Ленин номидаги музейдан репортаж. **21.00** «Россия, сени куйлайман». Музикали эшиттириш. **22.00** СССР — Япония командалари ўртасида спорт гимнастикаси бўйича халқаро ўртоқлик учрашувлари. **24,00** Рангли телевидение программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **10.30** Олий математика. **11.30** Чизма геометрия. **14.30** Сиёсий иқтисод.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.30 Э. Багрицкий номидаги мукофот лауреатлари. **16.00** Фан ва техника факультети. «Фанлар классификацияси». **16.45** Маданият факультети. «Маданият соҳасидаги мафкуравий кураш». **17.30** Болалар учун телевизион театр. П. Бажов қиссалари мотивлари асосида ишланган телевизион спектакль биринчи серияснинг премьераси. **19.00** Эфирда — «Молодость». **19.30** «Биз Комсомольскда яшаймиз».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20,00 Спорт ҳафта ичида. **20.20** Шеърият мухлисларига. **20.35** Халқ куйларидан концерт. **21.30** «Қотган чақмоқлар». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 15,00 ВЛКСМ Марказий Комитети «Умид» мукофоти бўйича футболнинг финал ўйинлари. Ўзбекистон — Украина. **16.45** «Қасамга содиқ». Телефильм. **17.10** Теннис бўйича СССР шахсий биринчилиги мусобақалари.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Саноат ходимлари учун эшиттириш. **18.25** Янгиликлар. **18.30** «Янги бир тилак». **18.40** Музикали экран. **20.15** Москва мўрсатади.

Тожик тилида: 21.05 «Шашмақом». **21.45** Янгиликлар.

А. НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ
А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ТЕАТР ЮБИЛЕЙ МАВСУМИНИНГ ОЧИЛИШИ

31 октябрь — ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН.
1 ноябрь — КОРСАР.
2 ноябрь кундуз — ДОКТОР АЙБОЛИТ.
кечқурун — **ТРУБАДУР**
4 ноябрь — ҲАМЗА.
5 ноябрь — ОҚҚУШ КУЛИ.
6 ноябрь — ТРАВИАТА.
7 ноябрь кундуз соат 2 да — **КОНЦЕРТ** (ўзбекча).
кеч соат 8 да — **КОНЦЕРТ** (русча).
8 ноябрь — кундуз соат 12 да — **КОНЦЕРТ** (русча).
кеч соат 8 да — **КОНЦЕРТ** (ўзбекча)
9 ноябрь — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (кундуз), **СПАРТАК** (кечқурун).

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар 7 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кўчаси, 11)

СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАСИ

«ЙЎЛБАРС ВА СИРТЛОНЛАР»
АТТРАКЦИОНИ

Ургатувчи — Бутуниттифоқ кўриги лауреати **Виктор ТИХОНОВ. Айиқ, овчарка, қўтосларнинг экзотик аттракциони.**
Ургатувчи—Виталий ТИХОНОВ ва совет цирки усталарининг катта байрам программалари. Таниқли масхарабозлар **РОХШ. ТЕЙН** ва **СУВОРОВ** қатнашадилар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта—кундуз соат 3 ва кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта — кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
31 октябрь ва 1, 2 ноябрда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Қундуз Миркаримова; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Кувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилором ШЕРОВА;** Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Дилбар ФАЙЗОВА;** солистлар: **Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра НСМОИЛОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Манзура МУМИНОВА, Тўхтахон НАЗАРОВА, Карима УЗОҚОВА** ва бошқалар қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати **Зайтуна ТОЖИБОЕВА** ва **Назрулла ЕҚУБОВ** олиб борадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1|XI да **Шоҳ Эдип,** 2|XI да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1|XI да **Нурхон,** 2|XI да **Навоий Астрободда.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Йиртқич ҳайвонлар аттракциони.**

Кино

31 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8.45 минутда), «ЧАЙКА» (кечқурун).

Угрюм-река (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Тундаги портлаш — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Ёшлик-бебошлик — «МОСКВА» (кечқурун).

1 ноябрда

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2.15, 5.30 ва кеч 8.45 минутда).

Тундаги портлаш — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Угрюм-река — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ёшлик-бебошлик — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Жамила — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 12.45 минутда).

Диссертация ёқлайдилар:

1969 йил 12 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника ва математика фанлари бўлимининг физика бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Обсерватория кўчаси, 83-уй, физика-техника институтининг конференц-зали) техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Ш. Шарафий: «Қуёш энергияси фацетлик концентраторларини текшириш» деган темада;

Я. Атаев: «Туркманистон ССР яйловларини сув билан таъминлаш системасида қўш сув чучутгичларини қўллаш имкониятини аниқлаш мақсадида уларнинг энергетик ва экономик характеристикаларини текшириш» деган темада.

---

12 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химия технологияси бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Черданцев кўчаси, 19-уй, мажлислар зали) химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Н. Безумнова: «Бензотиазолтион-2 ва унга ўхшаш структурали бирикмаларнинг тўйинмаган углеводородлар билан реакцияси» деган темада;

Б. Н. Нуриев: «Полимерларнинг сувли эритмалари таъсирида қум дисперсияларини структуралаш ва шамол эрозиясига курашиш чоралари» деган темада.

12 ноябрь кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, химия институти залида) иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

О. Т. Содиқов: «Ўзбекистон пахтачилиги шароитида ғўза чучуқур ҳайдашнинг иқтисодий самарадорлиги» деган темада;

Э. Сидиқов: «Ўзбекистон юк автомобиллари транспортининг ҳаракат составини ихтисослаштиришни тадқиқот қилиш» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

1969 йил 17 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг бирлашган илмий совет мажлисида (генерал Петров кўчаси, 51-уй, конференц-зал) медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Байгелдиева: «Қирғизистонда куйдирги касаллигининг клиник-эпидемиологик характеристикасига оид» (Қирғизистон ССР материаллари асосида)» деган темада:

М. А. Дўсимбетова: «Бачадон бўйни раконинг метастаз ва тарқалиш йўлларини ўрганиш усулларига оид» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

автомобилсозлик ва уларнинг ремонти, аналитик химия, назарий механика, физика, қурилиш ишларини ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш (2), гидротехник қурилмалар, химия саноати иқтисоди ва ташкил қилиш, ёғлар технологияси, процесс ва аппаратлар (3), автотранспорт иқтисоди ва ташкил қилиш (2, шу жумладан: автотранспортда молия ва бухгалтерия ҳисоби) — ДОЦЕНТЛАР.

тўқувчилик материалларининг химик технологияси, керамика ва ўтга чидамли материаллар, умумий ва ноорганик химия, чизма геометрия (2), олий математика, жисмоний тарбия ва спорт (4), фалсафа (2), чет тиллари, физика (2), материаллар қаршилиги, рус тили (2, программалаштирилган таълим лабораториясига 1), электропривод ва саноат ускуналарини автоматлаштириш, гидравлика ва гидравлик машиналар, архитектура тарихи ва назарияси, олий геодезия, қишлоқ хўжалиги қурилиши, жамоат бинолари архитектура лойиҳаси ва интерьер, расм, рассомлик ва скульптура, радиоэлектроника асослари, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар, амалий кибернетика, механик муҳофазаси, фойдали ер ости қазилмаларини ишлаш, фойдали қазилмалар, машинасозлик иқтисоди ва ташкил қилиш (статистика ва бухгалтерия ҳисоби), металлшунослик, металлар технологияси, автотранспорт иқтисоди ва ташкил қилиш, ёғлар технологияси, пластик масса ишлаш технологияси (2), илмий коммунизм (2) — КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР,

илмий коммунизм (3 ўрин, ўзбек тилида), умумий ва ноорганик химия, назарий механика, олий геодезия, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш (2), қурилиш механикаси ва бинолар нинг сейсмик мустаҳкамлилиги, расм, рассомлик ва ҳайкалтарошлик, радиоэлектроника асоси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар, электротехниканинг назарий асоси, фойдали қазилмалар, машиналар детали, металлар технологияси, автомобиль транспорти иқтисоди ва ташкил қилиш, органик химия — АССИСТЕНТЛАР;

чет тиллари (2, немис тили), **жисмоний тарбия ва спорт (3). ЎҚИТУВЧИЛАР:**

СИРТҚИ ВА КЕЧКИ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА:

марксизм-ленинизм (4, булардан: сиёсий иқтисод-2, илмий коммунизм, КПСС тарихи), **машинасозлик саноати иқтисоди ва ташкил қилиш — КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР;**

марксизм-ленинизм (2, булардан: фалсафа ва КПСС тарихи) — АССИСТЕНТЛАР.

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳамма ҳужжатлар билан ариза Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй, 2-қават, кадрлар бўлимига юборилади.

«УЗГЛАВРАЗНОСНАБСБИТ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИГА

бош бухгалтер, омбор мудирлари, бухгалтер-ревизор, машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе кўчаси, 27-уй. Телефон 33-09-20.

КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА

«КНИЖНОЕ ОБОЗРЕНИЕ» ГАЗЕТАСИ ва «В МИРЕ КНИГ» ЖУРНАЛИ —содиқ ёрдамчингиздир.

Бу нашрларга обуна бўлинг, булар китобларни танлашингизда ёрдам беради. Ватан ва чет эл адабиёти янгиликлари ҳақида ҳикоя қилади, китоб тарихи ва топилган нодир асарлар билан таништиради, китоб билан ишлашни ўргатади, билимнинг турли тармоғи бўйича тавсия рўйхатларини беради.

Бир йилга обуна баҳоси:

газетага — 2 сўм 40 тийин;
журналга — 3 сўм.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги «Союзпечать» бошқармаси.

ТОШКЕНТ ГАЗ АППАРАТУРАЛАРИ ЗАВОДИГА

план-иқтисод бўлими бошлиғи, иқтисодчи, штамповкачи, токарлар, совуқ ҳолда ишлаш бўйича технологлар, конструкторлар, техника хавфсизлиги бўйича инженерлар, штампа ремонти бўйича ва асбобсоз слесарлар, омборчилар, товаршунослар, фрезерчилар, шоферлар, ёрдамчи ишчилар, шогирдлар, автокранчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 83-уй (3, 8, 10, 16, 21, 48-автобуслар, 4,13, 14-трамвайларнинг «ТошМИ» бекати).

СССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ АЛОҚА
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

радиоэшиттириш ва телевидение, юқори частотали электрон ва квант асбоблар, фалсафа ва илмий коммунизм, инженерлик графикаси кафедралари мудирлари (профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан кандидатлари);

марксизм-ленинизм фалсафаси (ўзбек тилида); **юқори частотали электрон ва квант асбоблар, кучлантиргичлар қурилмалари, антенна-фидер қурилмалар, электрон-ҳисоблаш машиналари, алоқа иқтисоди фанлари бўйича доцентлар ва катта ўқитувчилар** (фан кандидатлари);

кучлантиргич қурилмалар, электрон асбоблар, алоқа техникасида ўлчов, техник электродинамика, электроакустика ва радиоэшиттириш, КПСС тарихи (2) фанлари бўйича катта ўқитувчилар;

автоматик электр алоқа, тармоқсиз электр занжирлари назарияси, техник электродинамика, алоқа техникасида ўлчов, алоқа тармоғи, телевидение, жисмоний тарбия фанлари бўйича ассистентлар ва ўқитувчилар вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 87. Энгельс кўчаси, 108-уй.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 31 ОКТЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дав 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42:

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри,

Индекс 64579. НАШР 2891. Р — 04756.